

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ВА  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.I.16.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АГЗАМОВ АВАЗХОН ТАЛГАТОВИЧ**

**ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ  
АМАЛИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on economical sciences**

**Агзамов Авазхон Талгатович**

Жисмоний шахсларни солиққа тортиш амалиётини такомиллаштириш . 3

**Агзамов Авазхон Талгатович**

Совершенствование практики налогообложения физических лиц ..... 27

**Agzamov Avazxon Talgatovich**

Improving practice of taxation of individuals ..... 51

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 55

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ВА  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.I.16.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АГЗАМОВ АВАЗХОН ТАЛГАТОВИЧ**

**ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ  
АМАЛИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.1.PhD/Iqt.206 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tdiu.uz](http://www.tdiu.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Алмардонов Мухамади Ибрагимович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Тошмурадова Бувсара Эгамовна**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Исламқулов Алимназар Худжамуратович**  
иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ва Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.I.16.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-72; факс : (99871) 239-43-51. e-mail: [tdiu@tdiu.uz](mailto:tdiu@tdiu.uz)).

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-72; факс : (99871) 239-43-51. e-mail: [tdiu@tdiu.uz](mailto:tdiu@tdiu.uz)).

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2019 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**А.Ш. Бекмуродов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**У.В. Гафуров**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Н.Х. Жумаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон солиқ амалиётидаги жисмоний шахсларни солиққа тортиш тизими миллий хўжалик алоқаларидаги турбулентлик ҳолатларига боғлиқ бўлмоқда. Хусусан, «ривожланган мамлакатларда кузатилаётган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг юқори прогрессив ставкалари пасайтириш (масалан, АҚШда 2019 йилдан 39,6 фоиздан 35 фоизга тушириш) контекстида даромад турлари бўйича солиқ ставкаларини тебраниш амплитудасини текислаштириш сиёсати амалга оширилмоқда»<sup>1</sup>. Ушбу сиёсат натижасида хорижга чиқиб кетган капитални репатриация қилиш, аҳолининг юқори даромад олувчи тадбиркор қатлами зиммасидаги солиқ юкини пасайтириш орқали миллий иқтисодиётда инвестицион фаолликни оширишга фискал рағбатлар тизимини яратиш кўзда тутилмоқда. «Ривожланаётган мамлакатларда эса (масалан, Хитой, Ҳиндистон) ҳамон аҳолининг ижтимоий қатламлари ўртасида даромадлар тақсимланишидаги тенгсизлик ва минимал яшаш стандартидан паст даражада яшовчи аҳоли қатламининг юқори салмоғи, жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортиш тизимининг прогрессив механизмини янада такомиллаштиришни талаб этмоқда»<sup>2</sup>.

Жаҳонда жисмоний шахсларни солиққа тортиш тизимига хос муаммолар контекстида: аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлашнинг фискал механизми, даромадларнинг чегаравий нафлилиги асосидаги солиқ юкини аҳолининг ижтимоий қатламлари ўртасида оптимал тақсимлаш муаммолари, виртуал маконга асосланган бизнестан олинадиган даромадларни солиққа тортиш тизимининг ташкилий асослари иқтисодчи-олимлар томонидан ўрганилмоқда. Ялпи истеъмол талабини солиқ механизми орқали рағбатлантириш, жамғармалар ва уларни инвестицияларга трансформациялашга солиқ тизимининг таъсирини такомиллаштириш, капиталларнинг трансмиллий ҳаракатланишини индивидуал даромад солиғи механизми орқали тартибга солиш сингари масалалар борасида тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистонда жисмоний шахсларни солиққа тортиш тизимида олиб борилаётган ислохотларда солиқларнинг барқарор тушумини таъминлаш, солиқ юкини изчил камайтириш негизида аҳоли реал даромадларини ошириш орқали иқтисодий ўсишга позитив таъсир этувчи ўзаро уйғунлашган солиқ тизимини шакллантиришга эътибор қаратилмоқда. «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»<sup>3</sup>да асосий устувор йўналиш сифатида «солиқ юкини камайтириш ва солиққа тортиш тизимини соддалаштириш сиёсатини давом

<sup>1</sup> Қапанг: <http://www.worldwide-tax.com>.

<sup>2</sup> Global Economic Prospects Weak Investment in Uncertain Times. A World Bank Group Flagship Report. International Bank for Reconstruction and Development / The World Bank 1818 H Street NW, Washington, DC 20433.- January 2017.- 17 pp.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли фармони. // Халқ сўзи, 2017 йил, 8 февраль.

этириш, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва тегишли рағбатлантирувчи чораларни кенгайтириш» ва «Аҳолининг реал пул даромадларини ва харид қобилиятини ошириш, кам таъминланган оилалар сонини ва аҳолининг даромадлари бўйича фаркланиш даражасини янада камайтириш» белгиланган. Бу масалаларни ҳал қилиш учун республикамізда солиқ юкини аҳолининг ижтимоий қатламлари ўртасида текис тақсимлаш, мавжуд имтиёзларнинг самарадорлигини баҳолаш ва оптималлаштириш, аҳолининг реал даромадларини оширишда солиқ тизимининг муҳим элементи ҳисобланган жисмоний шахсларни солиққа тортиш амалиётини такомиллаштиришни тақозо этади.

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли, 2018 йил 29 июндаги «Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида»ги ПФ-5468-сонли, 2019 йил 8 январдаги «Иқтисодиётни янада ривожлантириш ва иқтисодий сиёсат самарадорлигини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5614-сонли ва 2019 йил 17 январдаги «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги ПФ-5635-сонли фармонлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Солиққа тортишнинг назарий асослари соҳасидаги қарашлар иқтисодиёт назариясининг классик асосчилари Ч. Адамс, Дж. Кейнс, А. Лаффер, У. Петти, А. Смит, Д. Рикардо асарларида, солиққа тортиш назариясини ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшган ҳозирги замон хорижий иқтисодчи олимлардан С. Брю, М. Блауг, П. Самуэльсон, К. Макконнелл, Г. Менкью ва бошқаларнинг илмий асарларида ёритилган<sup>4</sup>.

---

<sup>4</sup> Адамс Ч. Влияние налогов на становление цивилизации / Чарльз Адамс ; пер. с англ. А. А. Столярова и А. А. Резвова. – Москва, Челябинск: Социум, Мысль, 2018., Петти У. Трактат о налогах и сборах. Verbum sapienti – слово мудрым. Разное о деньгах. – М.: Ось-89, 1997. – 346 с.; Смит А. Исследования о природе и причинах богатства народов. Пер.с англ. – М.: Соцэкгиз, 1962. – кн. 5 - 620 с. Рикардо Д. Начала политической экономии и налогового обложения. Сочинения, том I. – М.: Государственное издательство политической литературы, 1955. – 360 с.; Кейнс Дж.М. Общая теория занятости, процента и денег. – М.: Гелиос АРВ, 1999. - 352 с.; Alexander Odishelidze and Arthur Laffer. Pay to the Order of Puerto Rico. Allegiance Press, USA, 2004. – 455 р. Макконнелл К.Р., Брю С.Л., Флинн Ш.М. Economics. -М.: Инфра-М, 2011. – 1045 с.; Самуэльсон Пол А., Нордхаус Вильям Д. Экономика: Пер. С англ. – М.: Бином, 1999. -800 с.; Макконелл К.Р., Брю С.Л. Экономикс: принципы, проблемы и политика. Пер. 16-го англ. изд. – М.: ИНФРА-М, 2006. – 940 с.; Менкью Н.Г. Принципы экономикс. – СПб: Питер Ком, 1999. – 784 с.

Солиқ назарияси, солиқларни ўрганиш тарихи, солиқ тўловчиларни солиққа тортиш амалиётидаги муаммолар россиялик ҳамда МДХ давлатларининг иқтисодчи олимларидан И. Александров, А. Брызгалин, Л. Гончаренко, Е. Евстигнеев, А. Исаев, М. Косов, Т. Косарева, М. Кулишер, В. Князев, И. Майбуrow, Н. Миляков, Л. Павлова, В. Пансков, А. Паскачев, В. Пушкарёва, А. Соколов, Н. Тургенев, Н. Тютюрюков, Д. Черник, Т. Юткин сингари иқтисодчиларнинг<sup>5</sup> илмий асарларида ёритилган.

Жисмоний шахсларни солиққа тортиш назарияси, методологияси ва амалиётининг айрим масалалари бўйича замонавий россиялик иқтисодчилардан А.М. Алиев, Н.Б. Савченко, С.В. Шлянкевич, Х.Б. Алиев, А.А. Малецкий, Р.Л. Маргулис, Т.Е. Тотикова ва бошқа бир қатор тадқиқотчилар шуғулланганлар<sup>6</sup>.

Мамлакатимиз миллий солиқ тизими ва солиққа тортиш амалиётини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиб келаётган олим ва амалиётчи мутахассисларимиздан М.И. Алмардонов, О.К. Абдурахмонов, А. Адизов, Н. Ашурова, Э. Гадоев, В. Галкин, Ш. Гатаулин, И. Завалишина, Т. Маликов, О. Олимжонов, Х. Собиров, Ш. Тошматов, Б. Тошмуродова, Н. Хайдаров, С. Худойқулов, Қ. Яхёев ва Н. Қўзиеванинг илмий ишларини ҳам мисол келтириш мумкин<sup>7</sup>.

---

<sup>5</sup> Александров И.М. Налоги и налоогообложение. Учеб. –М.: «Дашков и К», 2009 –314 с.; Налоги и налоговое право. /Под. ред. А.В.Брызгалина. – М.: Аналитика-Пресс, 1998 – 608 с.; Гончаренко Л. Налоги с физических лиц. Учебник. – М.: ФОРУМ: ИНФРА-М, 2007.; Евстигнеев Е. Налоги, налоогообложение и налоговое законодательство. – СПб: Питер, 2001. – 336 с.; Исаев А. Очерк теории и политики налогов. – М.: ООО «ЮрИнфоР-Пресс», 2003. – 270 с.; Косов М.Е., Осокина И.В. Налогообложение физических лиц. – М.: Юнити-Дана, 2010 г. 366 с.; Косарева Т. Налогообложение организаций и физических лиц: Учеб. пособие. – М.: ИНФРА-М, 2014.; Кулишер М. Очерки финансовой науки. Петроград: книгоиздательство «Наука и школа», 1919. – 290 с.; Майбуrow И. Налоги и налоогообложение. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2012.- 559 с., Миляков Н. Налоги и налоогообложение. Учебник. 7-е изд. перераб. и доп. – М.: ИНФРА-М, 2008. -520 с.; Пансков В., Князев В. Налоги и налоогообложение: Учебник для вузов. – М.: МЦФЭР, 2003. – 336 с.; Паскачев А.Б. Налоги и налоогообложение. Учебное пособие. – М.: Высшее образование, 2008, -384 с.; Пушкарёва В. История финансовой мысли и политики налогов. – М.: Финансы и статистика, 2003. – 256 с.; Соколов А. Теория налогов. – М.: ООО «ЮрИнфоР-Пресс», 2003. – 506 с.; Тургенев Н. Опыт теории налогов. СПб,1818. – 216 с.; Тютюрюков Н. Налоговые системы зарубежных стран. Учебник. – М.: Дашков и К, 2009, - 250 с.; Черник Д. Налоги и налоогообложение. Учебник. – М.: Юнити-Дана, 2010.; Черник Д. Налоги с физических лиц. – М.: МГФ «Знание», 1997. – 138 с.; Юткин Т. Налоги и налоогообложение. Учебник. 2-е изд. перераб. и доп. – М.: ИНФРА-М, 2002. -576 с.

<sup>6</sup> Алиев А.М. Совершенствование механизма налоогообложения физических лиц / автореферат на соискание ученой степени к.э.н. – М.; 2011. – 21 с.; Савченко Н.Б. Совершенствование механизма налоогообложения предпринимательской деятельности физических лиц – наймодателей / автореферат на соискание ученой степени к.э.н. – М.; 2011. – 27 с.; Шлянкевич С.В. Усиление социальной функции налогов в механизме налоогообложения физических лиц / автореферат на соискание ученой степени к.э.н. – М.; 2012. – 29 с.; Алиев Х.Б. Развитие налоогообложения недвижимого имущества физических лиц в РФ / автореферат на соискание ученой степени к.э.н. – М.; 2012. – 23 с.; Малецкий А.А. Налоговое регулирование сектора домашних хозяйств в России / автореферат на соискание ученой степени к.э.н. – Волгоград.: 2015. – 25 с.; Маргулис Р.Л. Совершенствование налоогообложения недвижимого имущества физических лиц / автореферат на соискание ученой степени к.э.н. – М.; 2010. – 25 с.; Тотикова Т.Е. Реформирование налоогообложения и налогового контроля доходов физических лиц в России / автореферат на соискание ученой степени к.э.н. – Саратов.: 2012. – 21 с.

<sup>7</sup> Ашурова Н.Б. Барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш / и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т.: БМА, 2018. – 40 б.; Гадоев Э., Қўзиева Н. Жисмоний шахсларни солиққа тортиш. –Т.: Ўзбекистон, 2013. – 281 б.; Гатаулин Ш. Солиқлар ва солиққа тортиш. – Т.: ДСҚ, 1996. – 241 б.; Завалишина И. Солиқлар: назария ва амалиёт. – Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2005. – 544 б.; Маликов Т. Солиқлар ва солиққа тортишнинг долзарб масалалари. – Т.: Академия,

Ушбу тадқиқот ишида биринчидан, Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси доирасида жисмоний шахсларни солиққа тортиш тизимининг илмий-назарий асослари кенг тадқиқ этилган; иккинчидан, жисмоний шахсларни солиққа тортиш тизимининг макроиктисодий барқарорликка таъсирини кенг ўрганилган; учинчидан, жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортишнинг прогрессив тизимидан текис (пропорционал) солиққа тортиш тизимига ўтишнинг зарурлиги ва концептуал асослари кенг тадқиқ этилган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг «Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг макроиктисодий барқарорлиги ва прогнозлаштирилишини таъминлашнинг илмий-услубий асослари ва услубиятларини такомиллаштириш» мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Ўзбекистон Республикасида жисмоний шахсларни солиққа тортиш амалиётини янада такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари:**

жисмоний шахслар тўлайдиган солиқларнинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти ва тарихий ретроспективадаги тараққиёт тенденцияларини назарий жиҳатдан тадқиқ этиш;

макроиктисодий барқарорликни таъминлашга жисмоний шахсларни солиққа тортиш тизимининг таъсирини назарий жиҳатдан кенг тадқиқ этиш ва унинг позитив таъсири имкониятларини баҳолаш;

жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортишнинг илғор хорижий мамлакатлар тажрибаларини тадқиқ қилиш ва миллий иқтисодиёт шарт-шароитларига асосланган ҳолда улардан фойдаланиш имкониятларини асослаш;

жисмоний шахсларни солиққа тортишнинг фискал самарадорлигини баҳолаш;

жисмоний шахслар тўловчи солиқлар бўйича белгиланган ставкалар шароитида оптимал солиқ юкини шакллантириш имкониятларини таҳлил қилиш;

жисмоний шахслар тўловчи солиқлар бўйича белгиланган имтиёзлар самарадорлигини комплекс баҳолаш ва уни оптималлаштириш бўйича амалий тавсияларни ишлаб чиқиш;

жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортиш тизимининг янги модели шароитида солиқ ставкаларини такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

---

2002. - 204 б.; Тошматов Ш. Корхоналарни ривожлантиришда солиқлар роли: Монография. – Т.: Фан ва технология, 2008. – 204 б.; Тошмурадова Б. Солиқлар воситасида иқтисодиётни бошқариш механизми. – Т.: Янги аср авлоди, 2002. – 128 б.; Хайдаров Н. Молия. 1-қисм. – Т.: Академия, 2001. – 185 б.; Яхёев Қ. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. – Т.: Фан ва технологиялар, 2003. – 247 б.



**Тадқиқот объекти** Ўзбекистон Республикасида амалдаги жисмоний шахсларни солиққа тортиш тизими ҳисобланади.

**Тадқиқот предмети** жисмоний шахсларни солиққа тортиш жараёнида вужудга келувчи молиявий муносабатлар ҳисобланади.

**Тадқиқот усуллари.** Диссертацияда илмий билишнинг назарий ва эмпирик усулларида кенг фойдаланилган. Хусусан, илмий абстракциялаш, кузатиш, умумлаштириш, гуруҳлаш, таққослаш, корреляцион ва регрессион таҳлил ҳамда иқтисодий-математик моделлаштириш усулларида кенг фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортишда прогрессив солиққа тортиш тизимидан текис (пропорционал) солиққа тортиш тизимига ўтказиш таклифи ишлаб чиқилган;

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мувофиқ «жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғидан тўлиқ озод этиш» бўйича мавжуд имтиёзлар тизими такомиллаштирилган;

ўз мол-мулки таркибида бўлган автомобиль транспортини ижарага берувчи жисмоний шахслар ижара тўловларининг минимал миқдорларини йиллик инфляция даражасидан паст бўлмаган миқдорда индексация қилиш услубиёти ишлаб чиқилган;

жисмоний шахслар даромадларини текис (пропорционал) солиққа тортиш тизимида солиқларнинг ижтимоий адолатлилик принципини таъминлаш учун солиққа тортиладиган жами даромадлардан 1 минимал иш ҳақи миқдорда чегирма ва оиладаги болалар сонига қараб эр ёки хотиннинг ойлик иш ҳақидан солиқ чегирмалари бериш таклифи ишлаб чиқилган;

жисмоний шахсларни солиққа тортиш тизимининг илмий-назарий асослари, замонавий хусусиятларини тадқиқ қилиш натижасида уй ҳўжаликлари истеъмол ва жамғариш нормасига таъсир этувчи бевосита ҳамда билвосита солиқларнинг ўзаро боғланган яхлит тизими ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

жисмоний шахслар даромадларининг текис (пропорционал) солиққа тортиш тизимига ўтилиши ва текис (пропорционал) солиқ ставкаси шароитида оилада болалар сонига мувофиқ «ижтимоий чегирмалар» бериш тартиби бўйича таклифлар берилган;

жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи бўйича мавжуд имтиёзлар тизимини такомиллаштиришга оид илмий таклиф ва амалий тавсиялар асосланган;

жисмоний шахслар мол-мулки (автомобил транспорти)дан олинadиган ижара тўловлари шаклидаги даромадларини солиққа тортиш механизмининг такомиллаштириш бўйича амалий тавсиялар берилган;

жисмоний шахсларни солиққа тортишнинг илмий-назарий ва ташкилий-иқтисодий асосларини комплекс тадқиқ қилиш натижасида ўзаро элементларни мужассамлаштирувчи яхлит тизим ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг таҳлил жараёнида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий маълумотларидан фойдаланилганлиги, ишда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги ҳамда илмий асосланганлиги, келтирилган хулоса, таклиф ва тавсияларнинг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси томонидан амалиётга жорий этилганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти жисмоний шахсларни солиққа тортиш тизимини такомиллаштириш орқали уларнинг реал даромадларини ошириш ва давлат бюджетига даромадлар тушуми самарадорлигини оширишда назарий-методологик ва услубий аппаратни такомиллаштириш, улардан махсус илмий тадқиқотларни амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган илмий таклифлар ва амалий тавсиялар, илмий фикр-мулоҳазалар ва назарий ғоялардан соҳани самарали ривожлантиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқишда, ушбу соҳа ходимларининг малакасини ошириш ҳамда олий ўқув юртларининг «Солиқлар ва солиққа тортиш», «Жисмоний шахсларни солиққа тортиш», «Пул, кредит ва банклар», «Молия ва солиқлар», «Солиқ тизими» каби фанлари ўқув дастурларини такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Жисмоний шахсларни солиққа тортиш амалиётини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар асосида:

жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортишда прогрессив солиққа тортиш тизимидан текис (пропорционал) ставкадаги солиққа тортиш тизимига ўтказиш бўйича берган таклифи (Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 24 декабрдаги ЎРҚ-508-сон Қонуни 2-модда, 32-бандига мувофиқ Солиқ кодексининг 181-моддасига киритилган ўзгаришга асосан) солиқ амалиётига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2019 йил 21 майдаги ДС/04-01-32/2830-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг жорий қилиниши иш ўринларини легаллаштиришда қўшимча рағбат бўлиб хизмат қилган;

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 180-модда биринчи қисмининг 6, ва 7-бандларига мувофиқ берилган «жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидан тўлиқ озод этиш» имтиёзини бекор қилиш бўйича берган таклифи (Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 24 декабрдаги ЎРҚ-508-сон қонуни 2-модда, 31-бандига мувофиқ) солиқ амалиётига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2019 йил 21 майдаги ДС/04-01-32/2830-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг жорий қилиниши натижасида хавфсизлик, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва суд ҳокимияти тизими ходимларига берилган солиқ имтиёзлари бекор қилиниб, бу соҳа вакиллари ҳам даромад солиғини

тўловчилар таркибига киритилган. Шунингдек, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи тўловчилари қамрови кенгайиб, давлат бюджетига қўшимча маблағлар тушишига эришилган;

мол-мулки (автомобиль транспорти)ни ижарага берувчи жисмоний шахслар ижара тўловларининг минимал миқдорларини йиллик инфляция даражасидан паст бўлмаган миқдорда индексация қилиниши бўйича берган таклифи (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги ПҚ-4086-сонли қарорининг 24-илоvasи билан) солиқ амалиётига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2019 йил 21 майдаги ДС/04-01-32/2830-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг жорий қилиниши натижасида қатъий белгиланадиган ставкалар асосида ундириладиган солиқларда солиқ юкини реал бозор тамойиллари асосида тақсимлаш билан боғлиқ айрим муаммоларга барҳам берилган;

жисмоний шахсларни солиққа тортиш тизимининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти ва хусусиятларини тадқиқ қилиш натижасида уй хўжаликлари истеъмол ва жамғариш нормасига таъсир этувчи бевосита ҳамда билвосита солиқларнинг ўзаро боғланган яхлит тизимига оид илмий-назарий қарашлар «Жисмоний шахсларни солиққа тортиш» фани бўйича дарсликка (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2012 йил 10 майдаги 192-буйруғи, 192-12 гувоҳномаси), «Жисмоний шахсларни солиққа тортиш» фани бўйича ўқув қўлланмага (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2013 йил 18 октябрдаги 380-буйруғи, 380-27 гувоҳномаси), «Солиқлар ва солиққа тортиш» фани бўйича ўқув қўлланмага (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2015 йил 2 февралдаги 32-буйруғи, 32-075 гувоҳномаси), «Пул, кредит ва банклар» фани бўйича ўқув қўлланмага киритилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 9 февралдаги 133-буйруғи, 133-134 гувоҳномаси). Мазкур илмий натижалардан дарслик (ўқув қўлланмалар)да фойдаланиш жисмоний шахсларни солиққа тортишда мазкур тушунчаларнинг таърифи ва аниқ чегарасини белгилашга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш, шу жумладан, ОАК эътироф этган маҳаллий журналларда 6 та мақола, хорижий журналларда 3 та илмий мақола, шунингдек, илмий-амалий конференция тўпламларида 9 та маъруза ва тезислар нашр қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, саккизта параграф, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 155 бетдан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари ҳамда объект ва предмети шакллантирилган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Жисмоний шахсларни солиққа тортиш тизимининг илмий-назарий асослари**» деб номланиб, ҳозирги шароитда жисмоний шахсларни солиққа тортиш тизимининг ижтимоий-иқтисодий мазмуни, мақсади ва вазифалари ёритиб берилган, Ўзбекистон Республикасида жисмоний шахсларни солиққа тортиш тизимининг макроиқтисодий барқарорликка таъсири таҳлил қилинган, жисмоний шахсларни солиққа тортиш амалиётининг хориж тажрибалари ўрганилган ва Ўзбекистон шароитида қўллаш имкониятлари асосланган.

Жисмоний шахсларни солиққа тортиш тизими моддий ишлаб чиқариш соҳасидаги аҳоли томонидан яратилган даромаднинг бюджет канали орқали бирламчи тақсимлаб, ижтимоий соҳалар моддий эҳтиёжлари учун қайта тақсимлашнинг молиявий асоси яратилади. Буни том маънода даромадларни аҳолининг ижтимоий қатламлари ўртасида қайта тақсимлаш тизими деб ҳам аташ мумкин. Ушбу солиқлар юридик шахслардан олинадиган солиқларга нисбатан бир қатор хусусиятларга эга бўлиб, мамлакат иқтисодиётининг мутаносиб ривожланишини таъминлаш ва ижтимоий тараққиётга хос зиддиятлар кучайиши билан боғлиқ хатарлар келиб чиқишига мойиллиги юқоридир. Шунинг учун ҳам жисмоний шахсларни солиққа тортиш масалалари инсоният тарихий тараққиётининг дастлабки давридан то ҳозирги кунгача кенг жамоатчилик томонидан ҳам асосий муаммо сифатида тадқиқ этиб келинмоқда. Хусусан, солиқ муносабатларининг илмий-назарий асосларини тадқиқ этувчи махсус «Форосология»<sup>8</sup> фанида солиқлар тарихий, ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, фалсафий категория сифатида ўрганилиши эътироф этилса-да, бунда асосий урғу аҳоли (жисмоний шахслардан олинадиган) солиқларининг ижтимоий-иқтисодий моҳиятига қаратилган.

Демак, юқоридаги фикрларга асосланган ҳолда таъкидлаш жоизки, замонавий солиқ тизими назариясининг тарихий илдизи аҳоли солиқлари ҳақидаги илк антик қарашларга асосланади.

Қадимги дунёдан то ҳозирги давргача жисмоний шахслар тўловчи солиқларни ундириш шакл ва усуллариининг тараққиётини шартли равишда 3 даврга ажратиш мумкин. Буни қуйидаги жадвалдан кузатиш мумкин (1-жадвал).

---

<sup>8</sup> Қаранг: «Форосология» (грекча форос-солиқ, логия-ўрганиш)- солиқлар, солиқ тизими ва солиқларга оид ҳуқуқий муносабатларни тарихи ва замонавий ҳолатини ўрганувчи фан.

**Солиқлар (шу жумладан, жисмоний шахсларни солиққа тортиш)  
назариясининг ривожланиш даврлари**<sup>9</sup>

Даврлар	Институционал асослар	Амал қилиш даври	Шаклланган солиқ назариялари	Йирик намоёндалар
1-давр	Солиқларнинг примитив шакли амал қилган ва махсус институтлар мавжуд бўлмаган.	Антик даврдан ўрта асрларгача	Алмашув назарияси	Ж.Б. Сэй, П. Леруа-Болье, Р. Стурм, Бастэбль
			Атомистик назария	С. Вобан, Ш.Монтескьё, Т Гоббс, Волтер, Ж.Сисмонди
			Солиқларнинг «Суғурта тўлови» назарияси	Ж.Маккулох, А. Тьер
2-давр	Жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар ва солиққа тортиш тамойиллари ҳамда махсус институтларни шаклланиши	XVIII - XX аср бошлари	Классик назария	А. Смит, Д.Рикардо
			Қурбонлик назарияси	Н.Канар, Б. Мильгаузен, Ж. Милл
3-давр	Жисмоний шахсларни солиққа тортиш тизими замонавий механизми ва солиқлар кенг турларининг шаклланиши	XX аср бошларидан то ҳозирги кунгача	Кейнсчилик назарияси	Ж.Кейнс
			Монетаристик назария	М. Фридман
			Иқтисодий таклиф назарияси	М.Берне, А. Лаффер, Лоренц
			Неокейнсчилик назарияси	И.Фишер, Н.Калдор

Солиққа тортиш тизими назариясининг шаклланишини дастлабки 1-даврида мавжуд солиқлар факультатив тавсифга эга бўлиб, давлатларнинг табиий офатлар, урушлар натижасидаги вужудга келувчи харажатларини қоплаш учун кенг жорий этилган. Солиқларни ундириш бўйича махсус давлат институционал бирликлари амал қилмаган давр ҳисобланади.


Жисмоний шахсларни солиққа тортиш замонавий амалиётидаги назарий асосларнинг тизимли равишдаги шаклланиш даври 2 ва 3 даврга тўғри келганлиги тасдиқланди. Ушбу даврда жисмоний шахсларни солиққа тортиш яхлит тизим сифатида умумий солиқ назариясининг концепция ва тамойиллари ҳамда институционал асослари базасида тадқиқ этилган. Натижада, жисмоний шахсларни солиққа тортиш амалиётини янада такомиллаштириш бўйича ислохотларда ўзаро алоқада бўлувчи умумий солиқ тизимининг элементи ва ички элементлар мажмуасидан ташкил топган яхлит тизим сифатида ўрганилиши лозим.

Солиқ тизимининг элементи сифатида жисмоний шахсларни солиққа тортиш амалиётидаги принципиал муаммолардан бири ушбу солиқларнинг асосан даромадларни тенглаштириш вазифасини бажаришга қаратилганлиги

<sup>9</sup> Жадвал муаллиф томонидан шакллантирилган.

ҳисобланади. Лекин даромадларни тенглаштиришга қаратилган солиқ тизими аҳоли шахсий тасарруфидаги даромадлари ҳисобига шаклланивчи жамғариш нормаси орқали мавжуд бойлик ёки капитал жамланишидаги тафовут кучайиши билан боғлиқ зиддият кескинлашувига олиб келиши мумкин. Албатта, макродаражада миллий даромад миллий бойлик тўпланишининг молиявий манбаи ҳисобланади. Жисмоний шахсларни солиққа тортиш тизимидаги мавжуд солиқлар аҳоли даромадларини тўғридан-тўғри, мулк кийматликлар эквивалентида тақсимлайди. Шунингдек, аҳоли истеъмол даражасига мувофиқ даромадларни тақсимлаш тизими ҳам амал қилиб, бу билвосита солиқлар орқали таъминланади. Хусусан, мол-мулк ёки ер солиғи ёрдамида бойликни киймат эквивалентида тақсимлаш тизими амал қилади. Лекин бундай қайта тақсимлаш тизими канали орқали ҳаракатланувчи молиявий оқимлар нисбатан паст салмоққа эга бўлиши зарур.

Юқоридаги фикрларга асосланган ҳолда, ички элементлар мажмуасидан ташкил топган яхлит тизим сифатида комплекс мақсадлар тизимига эга жисмоний шахсларни солиққа тортишнинг замонавий амалиётини қуйидагича тизимлаштириш мумкин (1-расм).



1-расм. Уй ҳўжаликлари молиясида жисмоний шахсларни солиққа тортиш тизимининг ўрни ва аҳамияти бўйича ташкилий чизма<sup>10</sup>

<sup>10</sup> Муаллиф томонидан шакллантирилган.

Ушбу солиқлар турли иқтисодий табиатга эга бўлиб, уларнинг макроиқтисодий барқарорликка таъсири нуқтаи-назардан кўп омилли мавжудлик (multifactor phenomeon) ҳисобланади. Уни такомиллаштиришга йўналтирилган қарорлар қабул қилиш макроиқтисодий барқарорликнинг асосий детерминантлари автоматик равишда ўзгариши билан объектив тарзда боғланади.

Тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тизимлаштирилади:

Биринчидан, даромаддан олинадиган солиқлар уй хўжаликларининг шахсий тасарруфидаги даромадларига тўғридан-тўғри таъсир этиш орқали аҳолининг ижтимоий қатламлари ўртасида даромадлар тенгсизлигини мувозанатлаштириш ёки иқтисодий ўсишни рағбатлантириш вазифасини бажаради.

Иккинчидан, мулкый қийматликлардан олинадиган реал ёки рента тавсифидаги солиқлар даромадлар билан бирга тўплаган миллий бойликни ҳам тақсимлайди. Ушбу солиқлар (мол-мулк солиғи) бўйича ҳосил бўлиши мумкин бўлган солиқ оғирлиги бошқа солиқларга нисбатан жиддий ижтимоий салбий оқибатларга эга.

Учинчидан, жисмоний шахслар томонидан тўланувчи билвосита солиқлар уларнинг истеъмол эҳтиёжларининг сифат таркибига таъсир этади.

Тўртинчидан, жисмоний шахсларни солиққа тортиш юқорида назарда тутилган туркумлардаги кенг солиқ турларига асосланади. Тизимни ислоҳ қилишда даромаддан бевосита олинадиган, мулкый қийматликлар ва истеъмолдан олинадиган солиқларнинг ўзаро мувозанатли тақсимланишини инобатга олиш лозим.

Мувозанатли даромадлар даражасига солиқларни камайтириш ҳам мультипликатив таъсир кўрсатиши таъкидланади. Жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар миқдорини умумий тарзда  $\Delta T$  га камайтирсак, шахсий тасарруфдаги даромад  $Y_d$  мос равишда  $\Delta T$  га ошади. Ушбу ҳолат истеъмол ва жамғариш нормасига таъсир этиб, истеъмолнинг  $b \times \Delta T$  (бу ерда  $b$ -истеъмолга чегаравий мойиллик) миқдорда мутаносиб ўсиши кузатилади.

Лекин бу ерда масаланинг иккинчи томони мавжудлиги асосланди: Хусусан, солиқларни камайтириш ҳисобига аҳолининг ўсган шахсий тасарруфидаги даромадлари пулга нисбатан трансакцион талабнинг ортиши ҳисобига «яширин инфляция» симптоми ҳисобланиб, даромадларнинг чегаравий нафлилиги пасайишига таъсир этади. Иккинчидан, шахсий тасарруфдаги даромадлар ҳажми ошиши ҳар доим ҳам истеъмол ҳажми ошиши билан мутаносиб тарзда бўлмайди.

Демак, солиқ юкини кескин пасайтириш орқали аҳолининг реал даромадларини ошириш бўйича ислохотлар макроиқтисодиётда ҳамиша ҳам кутиладиган натижани бермайди. Жисмоний шахслар зиммасидаги солиқ юкини пасайтиришга йўналтирилган ислохотларни, аввало, макропруденциал индикаторлар билан уйғунлашган ҳолда маълум даражада мувофиқлаштириш мақсадга мувофиқдир.

Хорижий давлатлар (АҚШ, Япония, Хитой, Ҳиндистон, Россия) солиқ тизими ва уларга мансуб давлат солиқ тизимида жисмоний шахсларни солиққа тортиш амалиётининг таҳлили натижасида жисмоний шахсларни солиқ тизими (англосаксон, евроконтинентал, латин америкача, аралаш) ўзига хос моделларга асосланиши аниқланди.

Гарвард университети экспертлари У. Хасси ва Д. Любик томонидан ишлаб чиқилган «Халқаро солиқ кодекси» деб номланувчи БМТнинг халқаро солиқ дастурига мувофиқ Шарқий ва Марказий Европадаги постсоциалистик давлатлар миллий солиқ тизими конструкцияси ва фаолият принципида жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи турли даражадаги бюджетларга даромадни шакллантириш эмас, балки ижтимоий адолатлилик мезонларига йўналтирилиши мақсадга мувофиқлиги таъкидланган.

Таdqикотларга кўра, прогрессив солиққа тортиш тизими даромадлар тенгсизлигини мувофиқлаштириш мақсадида аксарият ривожланган мамлакатларда кенг қўлланилиши кузатилди. Текис (пропорционал) шкалага асосланган жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи иқтисодий ўсишни рағбатлантиришнинг фискал омилларидан бири сифатида ўтиш даврини бошдан кечираётган мамлакатларга хос бўлмоқда.


Диссертациянинг **«Жисмоний шахсларни солиққа тортиш тизими самарадорлигининг таҳлили»** деб номланган иккинчи бобда жисмоний шахсларни солиққа тортишнинг фискал самарадорлиги таҳлили, жисмоний шахслар тўловчи солиқлар бўйича белгиланган ставкалар ва солиқ тушумларига таъсир этувчи омиллар таҳлили, жисмоний шахслар тўловчи солиқлар бўйича белгиланган имтиёзлар ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлиги таҳлил қилинган.

Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимида жисмоний шахслардан олинadиган солиқлар мамлакатда яратилган ялпи ички маҳсулотни тақсимлаш орқали турли даражадаги бюджетларнинг даромадларини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга.

2012-2017 йиллар мобайнида солиқ юкини пасайтириш давлат сиёсати натижасида давлат бюджети даромадларини ЯИМдаги улуши пасайиш тенденциясига эга бўлинган. 2018 йилда эса ушбу тенденция кескин ўсиш тавсифига эга бўлиб (19,4 %), ушбу ҳолат асосан даромадларнинг прогноз кўрсаткичларига нисбатан юқори даражадаги ўсиши эвазига таъминланган.

Жисмоний шахслардан ундирилган жами солиқларнинг ЯИМдаги улуши 2,2 %ни, жами давлат бюджетидаги улуши эса 11,1 %ни ташкил қилиб, нисбий кўрсаткичлар бўйича пасайиш кузатилган (2-расм).





**2-расм. Жисмоний шахслардан ундирилган жами солиқларнинг фискал самарадорлиги таҳлили**

Ушбу ҳолат тасдиқлайдики, таҳлил қилинаётган даврда ялпи ички маҳсулотда давлат бюджетининг улушини ўсиб бориши кузатилаётган бўлса-да, ялпи ички маҳсулотга нисбатан жисмоний шахслардан ундирилган асосий солиқларнинг камайиши солиқ тушумларини режа кўрсаткичига нисбатан юқори даражада бажарилишида юридик шахслар зиммасидаги солиқларда кузатилаётганидан далолат беради. Бу ҳолат хуфиёна иктисодиёт кўламининг қисқариши, имтиёзларни оптималлаштириш ва солиқ базаси кенгайиши ҳисобига таъминланмоқда.

Лекин номинал мазмунда жисмоний шахслардан ундирилган асосий солиқлар ҳажми ошиб бораётганлигини кузатиш мумкин (2-жадвал).

**2-жадвал**

**Жисмоний шахслар томонидан тўланган асосий солиқларнинг таркиби ва динамикаси таҳлили, млрд. сўм<sup>11</sup>**

	Кўрсаткичлар	2012 й.	2013 й.	2014 й.	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.
1.	Давлат бюджети даромадлари	21295,8	26223,2	31730,6	36493,2	41043,4	49681,0	79099,0
2.	Жисмоний шахслардан ундирилган асосий солиқлар	3134,8	3548,6	4360,1	4850,8	5595,7	7024,6	8819,0
3.	Жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи	2241,8	2253,5	2854,1	3285,6	3835,4	4876,5	6422,6
4.	Жисмоний шахсларнинг мол-мулк солиғи	273,0	285,6	356,4	382,6	445,1	575,6	708,3
5.	Жисмоний шахслардан олинadиган ер солиғи	201,9	220,1	285,4	315,2	402,7	532,1	663,2
6.	Тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича қатъий белгиланган солиқ	418,1	789,4	804,2	867,4	912,5	1042,8	1024,9


<sup>11</sup>Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, жами солиқ тушумлари 2012 йилда 3134,8 млрд. сўмни ташкил қилган. Ушбу кўрсаткич таҳлил қилинаётган даврларда изчил ўсиш суръатига эга бўлиб, 2017 йилда 7024,6 млрд. сўмга, 2018 йилда эса 8819,0 млрд. сўмга етган.

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича тушумлар жами солиқларда энг юқори кўрсаткични ташкил қилиб, 2012 йилда 2241,8 млрд. сўмни, 2018 йилга келиб эса 6422,6 млрд. сўмни ташкил қилган. Таҳлил қилинаётган даврларда барча солиқлар бўйича тушумлар деярли 2 баробардан кўп миқдорда ортиб борган.

Тадқиқотнинг кўрсатишича, республикамизда аҳоли даромадлари йилдан-йилга мунтазам ошиб бормоқда, айниқса, аҳолининг мулкӣ даромадлари юқори ўсиш суръатларига эга бўлган. Мазкур ҳолатни мамлакатимизда олиб борилаётган хусусий мулкни ҳимоялаш ва мулкдорларни рағбатлантириш бўйича амалга оширилаётган ислохотларнинг натижаси деб қараш мумкин. Лекин ёлланма меҳнат фаолиятидан олинадиган даромаднинг аҳоли даромадлари таркибидаги юқори салмоғи жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи фискал аҳамиятининг юқори даражаси таъминланишига олиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикасида 2018 йилги даромад солиғи тизими прогрессив тавсифга эга бўлиб, даромадлар ортиб бориши билан солиқ юкининг ҳам параллел равишда ортиб бориши кузатилади (3-расм).



3-расм. Даромад солиғи тизимининг ташкилий тузилмаси<sup>12</sup>

<sup>12</sup> Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Демак, юқоридаги маълумотлардан кўришимиз мумкинки, жами даромадлар минимал иш ҳақи асосида 4 туркумга ажратилади. Шунингдек, имтиёзлар тизими ҳам моҳиятан 2 асосий туркумга ажратилиб, даромадларнинг алоҳида тур ва категориялари ҳамда солиқ тўловчилар категорияси бўйича 2 гуруҳга ажратилади. Солиқ ставкаси марказий, даромадларнинг алоҳида турлари ва норезидентларнинг даромадлари бўйича туркумланиб, марказий ставка 4 босқичли прогрессия асосида ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, таҳлил қилинаётган (2011-2018) даврда солиқ ставкаларини оптималлаштиришда солиқ юкини пасайтириш сиёсати муҳим аҳамият касб этган. Натижада жисмоний шахслар ихтиёрида қолган маблағлар йиллар мобайнида турли миқдорларни ташкил қилган (3-жадвал).

### 3-жадвал

#### Даромад солиғи бўйича ставканинг ўзгаришини аҳоли тасарруфидаги даромадларига таъсири динамикаси, млрд.сўм<sup>13</sup>

Кўрсаткичлар	2011 й.	2012 й.	2013 й.	2014 й.	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.
Жисмоний шахслар ихтиёрида қолган маблағ	93,5	121,8	186,4	95,0	119,8	235,4	0	92,0
ЖШОДС ставкаси	10 %дан 22 %гача	9 %дан 22 %гача	8 %дан 22 %гача	7,5 %дан 22 %гача	0 %дан 23 %гача	0 %дан 23 %гача	0 %дан 23 %гача	0 %дан 22,5 гача

Биргина 2016 йилда 2 поғона бўйича солиқ ставкаларини 8,5 % дан 7,5 %га пасайтирилиши ҳисобига 235,4 млрд. сўм маблағ солиқ тўловчилар ихтиёрида қолдирилган. 2018 йилда эса юқори ставкани 0,5 %га пасайтирилиши эвазига солиқ тўловчилар ихтиёрида қолдирилган маблағнинг миқдори 92,0 млрд. сўмни ташкил қилган.

Хусусан, 2011-2014 йиллар мобайнида қуйи ставкаларни кетма-кет 1 % ва 0,5 %га пасайтирилиши натижасида, жисмоний шахслар ихтиёрида қолган маблағлар мос равишда 93,5 млрд. сўм, 121,8 млрд. сўм, 186,4 млрд. сўм ва 95,0 млрд. сўм қолган. 2015 йилдан солиққа тортилмайдиган минимумни киритилиши натижасида ва кейинги ставкаларнинг 1 %дан оширилиши натижасида 119,8 млрд. сўм маблағ солиқ тўловчилар ихтиёрида қолдирилган.

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи тушумларига таъсир этувчи ижтимоий ва иқтисодий омилларнинг таъсирини баҳолаш учун корреляцион таҳлил ўтказилди. Кўп омилли эконометрик моделда қатнашувчи омиллар сифатида натижавий омил жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи - Y ва унга таъсир этувчи омиллар сифатида аҳоли реал умумий

<sup>13</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24.12.2010 йил ПҚ-1449; 30.12.2011 йил ПҚ-1675; 25.12.2012 йил ПҚ-1887; 25.12.2013 йил ПҚ-2099; 04.12.2014 йил ПҚ-2270; 22.12.2015 йил ПҚ-2455; 27.12.2016 йил ПҚ-2699; 29.12.2017 йил ПҚ-3454-сонли қарорлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

даромадлари (трансфертлардан ташқари) -  $X_1$ , минимал иш ҳақи -  $X_2$ , қишлоқ хўжалиги тармоғидаги ялпи қўшилган қиймат -  $X_3$  ва саноат тармоғидаги ялпи қўшилган қиймат -  $X_4$  нинг таъсири тадқиқ қилинди.

Олинган натижаларга кўра барча омиллар: хусусий корреляция коэффицентлари, яъни натижавий омил ( $Y$ ) ва таъсир ўртасида зич боғланиш мавжуд экан. Ушбу омиллар асосида Ўзбекистон Республикасида жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи тушумлари билан унга таъсир этувчи омилларнинг кўп омилли эконометрик модели тузилди:

$$y = 358,84 + 0,0030x_1 + 0,0142x_2 + 0,0013x_3 + 0,0218x_4 \quad (2.5)$$

(44,94) (0,005) (0,003) (0,002) (0,003)


(Қавслар ичида келтирилган қийматлар ҳар бир омилнинг стандарт хатоси).

Тузилган ушбу кўп омилли эконометрик модель шуни кўрсатадики, аҳоли реал даромади ( $X_1$ ) 1 млрд. сўмга ошса, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ўртача 3,0 млн. сўмга ортиши мумкин экан. Минимал иш ҳақи ( $X_2$ ) 1000 сўмга ошса, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ўртача 14,2 млн. сўмга ортиши мумкин.

Қишлоқ хўжалиги тармоғидаги ялпи қўшилган қиймат ( $X_3$ ) 1 млрд. сўмга ошса, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ўртача 1,3 млн. сўмга ортар экан. Шу билан бирга саноат тармоғидаги ялпи қўшилган қиймат ( $X_4$ ) 1 млрд. сўмга ошса, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ўртача 21,8 млн. сўмга ортар экан. Ушбу ҳолатни саноат тармоғида банд аҳолининг нисбатан юқори салмоғи, иш ҳақи қиймати ва янги иш ўринларини яратиш имкониятлари юқорилиги билан ҳам изоҳлаш мумкин.

